

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Курилиш материаллари саноатини янада ривожлантиришнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси

3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигига 2020 йил 20 апрель куни ўтказилган кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 29-сонли баёни (**14.05.2020 й. №02-1553**) да берилган топшириқларнинг ижросини таъминлаш

4. Лойиҳанинг қисқача мазмuni:

Курилиш материаллари саноатини ривожлантириш, маҳсулот турларини диверсификация қилиш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш, тармоққа инвестицияларни ҳамда илм-фан ютуқлари, инновацион технологияларни кенг жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ички бозорни маҳаллий курилиш материаллари билан тўлдириш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича барча имкониятлардан унумли фойдаланиш, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибидаги курилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга преференциялар бериш, курилиш соҳасида кластер тизимини жорий этиш, цемент ва ойна ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга ошириш, курилиш материаллари бозорини тартибга солувчи бир қатор янги тартиботлар ўрнатиш назарда тутилган.

**II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа
масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат
органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган
маълумотлар**

**5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух
иштирокчиларининг таснифи:**

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – “Қизилқумцемент” АЖ, “Бекободцемент” АЖ, “Қварц” АЖ, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибиға киравчи корхоналар;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбагалликни қисқартириш вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф мұхитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари – “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси, “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжинириング маркази

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби түғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасида тадбиркорлик субъектларига ортиқча тартиб таомиллар, лицензия талабларини ўрнатиши, қўшимча харажатлар қилишга ундаш ҳолатлари, хўжалик бошқаруви органлари ваколатига киравчи масалалар ва корпоратив муносабатлар билан тартибга солинувчи нормалар акс эттирилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Қарор лойиҳасининг:

А) 3-банди учинчи хатбошисида лабораториянинг маъмурий бино ва иншоотларини қуриш, уни илгор ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш мақсадида, “Қизилқумцемент” АЖ - 30,5 млрд сўм, “Қварц” АЖ – 4 млрд сўм ҳамда “Бекободцемент” АЖ – 3,4 млрд сўм, жами 37,9 млрд сўм пул маблағларини корхоналарнинг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари ҳисобидан Марказнинг устав капиталидаги улушларини кўпайтириш учун 2020 йил 1 июлга қадар ўтказиб бериш кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни 111-моддасига қўра, жамиятнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятига давлат **органларининг аралашувига** йўл қўйилмаслиги, Давлат акциядор сифатида **бошқа акциядорлар билан бир қаторда** Конунда белгиланган тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5997-сонли фармонининг 5-бандига асосан **хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар** қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали **тартибга солинишини тақиқлаш** белгиланган.

Шунга қўра, қарор лойиҳаси **3-банди учинчи хатбошисини чиқариб ташлаш** лозим бўлади.

Б) **3-банди тўртинчи хатбошисида** Марказ томонидан импорт қилинадиган замонавий лаборатория ускуналари, бутловчи буюмлари, эҳтиёт қисмлари ва ўлчов воситаларини **2022 йил 1 январга қадар** ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ, **божхона тўловларидан** (**божхона йиғимлари бундан мустасно**) **озод этиш** назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни **12-моддаси талаблариiga асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **шартномалар тузища устунлик бериш**, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан **афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар**, **преференциялар ва енгилликларни асосиз равища бериши**, **айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар)** белгилаши **тақиқланади**.

Шунга қўра, қарор лойиҳаси **3-банди тўртинчи хатбошисини чиқариб ташлаш** лозим бўлади.

В) **3-банди бешинчи хатбошисида** “Ўзстандарт” агентлиги лаборатория жиҳозлари ўрнатилгандан сўнг, уларни қиёслов кўригидан ва аккредитациядан ўтказиш, шунингдек республикада мавжуд барча қурилиш материалларининг меъёрий ҳужжатлар фондини ташкил этиш ишларини **бир ой муддатда** беғараз амалга оширишга розилик берилиши кўрсатилган.

Ушбу ҳолат «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази ҳузурида ташкил этиладиган **янги композит материаллар ва инновацион кимё технологиялари асосида қурилиш материалларига оид илмий тадқиқотларни ҳамда синов ишларини**

амалга оширадиган замонавий лабораторияни бошқа лабораторияларга нисбатан тенг бўлмаган шароитни келтириб чиқишини ва Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни 12-моддаси талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қарор лойиҳаси 3-банди бешинчи хатбоисини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Г) 6-бандида Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиб қўмитаси **бир ой муддатда** цемент ва архитектура-курилиш ойнаси ишлаб чиқарувчиларни Товар ёки молия бозорида устун мавқенини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар **давлат реестридан чиқариш** чораларини кўриши белгиланмоқда.

Товар ёки молия бозорида устун мавқенини эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларни реестридан чиқариш масаласи Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 6-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 20 августдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган “Товар ва молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гурухининг устун мавқени эътироф этиш ҳамда Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисида”ги низом асосида **тегишли таҳлил натижаларига амалга оширилади**.

Шунга кўра, қарор лойиҳаси 6-бандини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Д) 7-банди “а” кичик бандида биржа савдоларида сотилган цемент ва қурилиш ойнаси ҳажмининг 0,3 фоизи миқдорида **сотувчидан йиғим ундирилиши** ва биржа томонидан ҳар ой якуни билан “Ўзсаноат-курилишматериаллари” уюшмасининг жорий таъминлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш мақсадида ўтказиб берилиши, 7-банди “б” кичик бандида б-иловага мувофиқ, импорт қурилиш материаллари ва хом ашёларнинг «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштиришда божхона қийматининг 1,2 фоизи миқдорида божхона расмийлаштируви учун йиғим ундирилади ва унинг 1,0 фоизи мақсадли равишда «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига маҳаллий-лаштириш дастури доирасида ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-куватлаш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, экспортёр корхоналарни рағбатлантириш ҳамда уюшмани сақлаш ва моддий – техник таъминотини ривожлантириш мақсадида ўтказиб берилиши кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузища устунлик бериши, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи

субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равища бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади**.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига ортиқча тартиб таомиллар ўрнатиш, қўшимча харажатлар қилишга ундаш рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, қарор лойиҳаси 7-банди “а” ва “б” **кичик бандлари ва 6-иловани чиқариб ташлаш** лозим бўлади.

Е) 7-банди “в” **кичик бандида “Ўзсаноатқурилишматериаллари”** уюшмаси таркибидағи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи **корхоналар** томонидан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун 7-иловага мувофиқ, импорт қилинаётган хом ашёлар, кўмир ва табиий газга муқобил бошқа энергия ресурслари темир йўл орқали ташишда **ички тариф ставкалари** кўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузища устунлик бериш, айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равища бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади**.

Шундан келиб чиқсан ҳолда, қарор лойиҳаси 7-банди “в” **бандини ва қарорнинг 7-иловасини чиқариб ташлаш** лозим бўлади.

Ж) 7-банди “г” **кичик бандида** қурилиш материаллари саноати корхоналарини ҳудудларда жойлаштирилишида ва уларга норуда фойдали қазилма бойликларини ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш хукуки учун лицензия берилишида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг **холосаси олиниши** белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарори 1-бандига кўра, **Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси** тадбиркорлик таваккалчилиги шартларида геологик жиҳатдан ўрганиш, шунингдек конларни қидириш ва разведка қилиш ҳамда углеводородларни қазиб олиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида ер қаъри участкаларидан **фойдаланиш хукуки** учун лицензиялар бериш бўйича ваколатли орган этиб белгиланган.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига ортиқча тартиб таомиллар, лицензия талаблари ўрнатиш, қўшимча харажатлар қилишга ундаш рақобатга салбий таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қарор лойиҳаси 7-банди “т” бандини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

3) 7-банди “д” кичик бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси **хар чоракда бир маротаба** норуда қазилма бойликларидан оқилона фойдаланилиши юзасидан мониторинг ўтказиши ва натижаси юзасидан конлардан фойдаланмаётган ёки мақсадсиз фойдаланаётган тадбиркорлик субъектларига берилган лицензияларни муддатидан олдин бекор қилиш ва ер участкаларини давлат заҳирасига қайтариш бўйича тегишли чораларни кўриши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги ПҚ-649-сон қарори билан тасдиқланган “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомда ер қаъридан фойдаланиш **лицензияда назарда тутилган шартларга** мувофиқ, ер қаъри участкаси маҳсулот тақсимотига оид битим шартларида берилган ҳолларда эса — маҳсулот тақсимотига оид битим шартларига ва “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қарор лойиҳаси 7-банди “д” бандини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

И) Қарор лойиҳаси 8-банди “а” кичик бандини қуйидаги мазмунда **баён этиш** таклиф этилади:

“а) йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати бир млн тоннадан кам бўлмаган маҳаллий хусусий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган цемент ва қурилиш ойнасининг камида 50 фоизига тенг улушларда биржа савдоларига чиқарилади ва сотилади;”.

К) 9-банди биринчи хатбоҳисида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасининг “Қизилкумцемент” АЖ, “Бекободцемент” АЖ ва “Кварц” АЖларнинг 51 фоиз давлат улушларини “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига **истисно тарикасида, танлов ўтказмасдан** ишончли бошқарувга бериш тўғрисидаги таклифларига розилиши кўрсатилмоқда.

Давлат улушларини ишончли бошқарувга бериш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган **“Давлатга тегишли акциялар пакетларини (улушларни) ишончли бошқарувга бериш тартиби тўғрисида”** Низомга ассоан амалга оширилади. Мазкур Низомнинг 5-бандига кўра, Давлат активларини инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларга ишончли бошқарувга бериш **танлов асосида амалга оширилади**.

Шунга кўра, қарор лойиҳаси 9-банди биринчи хатбошисини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Л) 10-банди тўртинчи хатбошида қурилиш кластерларига шаҳар ва қишлоқ жойларида намунавий типдаги арzon уй-жойлар қурилиши дастурлари доирасида 2021 йилда камида 25 foиз, 2022 йилдан 50 foиз уй-жойлар қуриш учун ер майдонларини ажратиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига**, шу жумладан, тегишли бозорни худудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди.

Шунга кўра, қарор лойиҳаси 10-банди тўртинчи хатбошисини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

М) 13-бандида Қорақалпоғистон Республикасида Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, «Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмасининг ҳудудларда аҳолига қурилиш материаллари, шу жумладан цемент ва қурилиш ойнасини сотишга ихтисослаштирилган фирма дўконлари тармоғини 8-иловага мувофиқ ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқулланган.

Таъкидлаш керакки, ишлаб чиқарувчилар томонидан ҳудудларда ўз маҳсулотини сотиш учун дўконлар ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори доирасида кўриб чиқиладиган масала ҳисобланмайди ва фирма дўконларини ташкил этиш учун ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас.

Бундан ташқари, фирма дўконларини ташкил этиш корхонанинг бевосита ўзига, унинг маҳсулотига бўлган талаб ва таклифга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни **12-моддаси талабларига асосан** давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузища устунлик бериш, айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равища бериши тақиқланади.

Товар бозорларини бўлиб олиш орқали биржага чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини камайишини олдини олиш мақсадида қарор лойиҳаси 9-банди биринчи хатбошисини ва қарорнинг 8-иловасини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Н) 14-банди бешинчи хатбошида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлеклари томонидан ушбу фаолият (табиий пардозбоп тошларни (мармара, гранит, травертин ва бошқалар) қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш) билан шуғулланувчи корхоналар ёки лойиҳа ташаббускорларига ер майдонларини тўғридан-тўғри ажратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатилган.

Ўз навбатида, **Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси** талабларига асосан Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равища бериш **тақиқланган**.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган ер участкаларини бериш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1023-сон қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун факат **“E-IJRO AUCTION” савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали** берилиши белгиланган.

Шунга кўра, қарор лойиҳаси 14-бандини чиқариб ташлаш лозим бўлади.

Бундан ташқари:

қарор лойиҳаси 4-иловасини (Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари ДАСТУРИ) қарор лойиҳасида билдирилган таклифлар асосида **қайта кўриб чиқиши** ва **мувофиқлаштириши**;

қарор лойиҳаси 9-иловасида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Хукуматнинг айrim хужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар) келтирилган божхона тўловидан озид этилиши белгиланган маҳсулотлар асосланмаганилиги, сертификатлаштириш тартиботлари мураккаблаштирилиб, тадбиркорлик субъектларига ортиқча харажатлар юкланаётганлиги муносабати билан қарор лойиҳаси 9-иловасини чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ хисобланади.

IV. ХУЛОСА

Қарор лойиҳасида тадбиркорлик субъектларига ортиқча тартиб таомиллар, лицензия талабларини ўрнатиш, қўшимча харажатлар қилишга ундаш ҳолатлари, хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар билан тартибга солинувчи нормалар акс эттирилганлиги муносабати билан қарор лойиҳаси ва иловаларини хulosада келтирилган **эътиrozларни бартараф этиш ва лойиҳани билдирилган таклифлар асосида қайта қўриб чиқиш талаб этилади.**